



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SHO‘RCHI TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Sho‘rchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi_t@exat.uz

20 21-y “ 28 ” aprel

Қ-795 -son

Sho‘rchi t.

Шўрчи тумани “А.Сафаров” СИУ худудидаги туман захира ерларидан “Нурмат Хўжакулов” фермер хўжалигига қўшимча равишда пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича узоқ муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 10-11-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан “Нурмат Хўжакулов” фермер хўжалиги раҳбари Ишназаров Хўшбоқнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги захира ер фондидан фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича туман доимий комиссиясининг 2021 йил 15 мартдаги 73-сонли йиғилиш баённомасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги захира ер фондидан фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича туман доимий комиссиясининг “Нурмат Хўжакулов” фермер хўжалигига қўшимча равишда пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги 2021 йил 15 мартдаги 73-сонли йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “А.Сафаров” СИУ худудидан “Нурмат Хўжакулов” фермер хўжалигига қўшимча равишда пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича фермер хўжалигига туман захира ер фонди ҳисобидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 26-26б-26в29-32-33-33б-33в-49-50-51а-53-323қ-323а-323б-326-326а-326б-326в-327-327а-327б-327в-дала контурлардаги жами 88,63 гектар (шундан 83,64 гектар сувли ер, 4,43 гектар ариқ ва зовурлар, 0,58 гектар

йўллар, 0,16 гектар бошқа ерлар) ер майдонлари 49 йил муддат билан кўшимча равишда ижарага ажратиб берилсин.

3. “Нурмат Хўжакулов” фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик харитасининг 26а-26б-26-26в-29-32-33-33б-33в-49-50-51-51а-53-64-66-79-261-269-272-323қ-323а-323б-326-326а-326б-326в-327-327а-327б-327в-106-дала контурларидаги умумий ер майдони 146,19 гектар (шундан 134,18 гектар сувли ерлар, 3,0 гектар боғ, 1,5 гектар узумзор, 4,02 гектар ариқ ва зовур, 0,68 гектар йўллар, 2,81 гектар бошқа ерлар) ер майдонлари этиб белгилансин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Х.Мамараимов)га “Нурмат Хўжакулов” фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонларини жойида чегараларини белгилаб бериш ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тайёрлаш вазифаси топширилсин.

5. “Нурмат Хўжакулов” фермер хўжалиги раҳбари Ишназаров Хўшбоқга 10 кун муддат ичида туман давлат солиқ инспекцияси, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, туман Қишлоқ хўжалиги бўлимидан қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари О.Шерназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Б.Худойберганов